



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 14 декабрь, № 245 (5919) • Шанба

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ, ҚУЛАЙ МУҲИТ

мамлакатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида муҳим омил бўлмоқда



ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодийётимизнинг етакчи кучларидан бирига айланди. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида республикаимиз бўйича 21,2 мингга яқин кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, улар томонидан ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари ҳажми 15,2 фоиз ошгани бунга яққол мисол бўла олади. Бу, табиийки, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасидир.

(Давоми 3-бетда).



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2013 йил 13 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз иштини давом эттирди. Ялпи мажлисининг иккинчи кунини сенаторлар асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат бўлган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошлади.

Қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, «Судлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги, «Сийёсий партиялар тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Оила, Жиноят кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мазкур Қонуннинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимлари ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2012 йил 30 ноябрдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ тайёрланган. Қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишлар судлар фаолиятини, шу жумладан, суд кадрларини танлаш, тайёрлаш ва лавозимларга тавсия этиш тизимини янада такомиллаштиришга, суд органлари ходимлари учун ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтириш, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларига сайлов бўйича сайлов қонунчилиги ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ва улардаги партия гуруҳлари фаолиятининг самардорлигини оширишга, шунингдек, чет элдан инвестициялар жалб этишни ва мамлакатда инвестиция муҳитини янада рағбатлантириш, Ўзбекистон ҳудудда чет эллик инвесторлар фаолияти учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти делегацияси яқинда амалий ташриф билан Бельгияда бўлди. Ушбу сафар доирасида «Давлатни модернизациялаш ва демократлаштириш жараёнларида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш» мавзусига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

Ўзбекистон тажрибаси Брюсселда муҳокама қилинди

Ўзбекистоннинг Бельгиядаги дипломатия миссияси ва Брюссель эркин университетининг (VUB) ҳузуридаги Бесаалий коллежи билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Европа Комиссияси, Европарламент, Бельгия Сенати ва Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари, шунингдек, ушбу мамлакатнинг қатор эксперт-таҳлилий марказлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбати чоғида Ўзбекистон ва Бельгия тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклигининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди. Хусусан, анжуман иштирокчилари ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб масалаларини ҳал қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг шакллари ва йўналишлари, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини атрофича муҳокама қилишди.

Шунингдек, Европа ва Бельгия тузилмаларининг вакиллари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда, мамлакатнинг демократик янгилашишида фуқаролик институтларининг ўрни ҳамда аҳамия-

тини изчил юксалтириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисидаги маълумотларга ҳам эга бўлдилар.

Муҳокама чўғида хорижий экспертлар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини изчил ривожлантириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳамда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш жабҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларга юқори баҳо бердилар.

Европа Халқаро муносабатлар институтининг геосийёсий тадқиқотлар бўйича эксперти П. Томан эътироф этганидек, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш модели «замоннинг барча реалликлари ва таҳдидларини прагматик тарзда ҳисобга олган ҳолда» ишлаб чиқилган. Унинг фикрича, бугун фуқаролик жамияти институтларининг кучли давлат атрофида жиқлашуви уларнинг барчасига демократик жараёнларда иштирок этиш учун тенг имкониятларни яратмоқда. Ўз маърузасида Европадаги фуқаролик жамиятининг турли моделлари ҳақида фикр юритар экан, П. Томан ўзбек маданияти, менталитети ва миллий анъаналарининг бетакрорлиги мамлакатимиздаги ноҳуқумат ташкилотлари фаолиятининг ўзига хосликларига ижобий таъсир кўрсатганини қайд этди.

(Давоми 3-бетда).

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОМУСИ

Президентимиз маърузасини ўқиб...

Ўтган ҳафтада мамлакатимиз аҳолиси Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигини тантанали ва кенг қўламли нишонлади. Пойтахтимиздаги мухташам «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида шу санага бағишланган тантанали маросимда Президент Ислам Каримов маъруза қилди. Давлатимиз раҳбари поёнига етаётган йил — Обод турмуш йилида амалга оширилган ишлар якуни, кириб келаётган йил — Соғлом бола йилида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб берди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Тадбир иштирокчилари, шунингдек, мамлакат раҳбарининг нутқини телевидение орқали тинглаган миллионлаб ватандошларимиз мустақиллигимизнинг дастлабки даврида бевосита Президентимиз иштироки ва раҳбарлигида ишлаб чиқилган Конституцияимиз аҳамиятини яна бир мартаба теран тушуниб, унинг маъна-маъзига кириб борди, десак, айни ҳақиқатдир. Зеро, истиқлол йилларида халқимиз шу муҳим ҳуқуқий ҳужжат мувофиқ, давлат ва жамият курилиши, иқтисодий модернизация қилиш, ўз ҳаётини, фарзандлари келажаги, Ватан тараққиётини таъминлашдек эзгу мақсадларини амалга ошириб келмоқда. Бинобарин, бу кенг қўламли саъй-ҳаракатлар истиқ-

болда — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда жамият ҳаётида ижтимоий адолатни қарор топтиришда беқийс аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Айтиш жоизки, ана шундай мақсадларга эришиш учун Ўзбекистонда улкан бунёдкорлик ислохотлари, тарихий мазмун-моҳиятга эга янгилашлар амалга оширилмоқда. Аёниқ, мустақиллик йилларида мамлакат қиёфасини тубдан ўзгартирган бу ислохотлар ва янгилашларда, аҳоли турмуш даражасини муттасил яхшилашда кўплаб нуфузли халқаро экспертлар, ривожланган демократик давлатларнинг сиёсий арбоблари томонидан демократик тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги

(Давоми 2-бетда).

Тадбиркор — қонун ҳимоясида

Божхона қўмитаси томонидан «Тошкент-Аэро» иқтисослаштирилган божхона комплексидида 2013 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонуни билан Божхона кодексига киритилган ўзгаришлар ҳамда уларнинг аҳамиятига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

АНЖУМАН

Унда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари,

давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Маълумки, кейинги йил-

ларда божхона назорати ва расмийлаштирувини янада такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига имтиёз ва

қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ қилинди. Мазкур Қонун ҳам шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, унга биноан, Солиқ, Божхона, Меҳнат кодекслари ҳамда айрим қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

(Давоми 3-бетда).

Тараққиёт ва фаровонлигимизнинг муҳим кафолати

Бугун юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар барча аҳоли қатламларининг орзу-истакларини рўйбга чиқариш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, демократик кадриятлар ва қонун устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги стратегик мақсадларимизнинг амалий ифодаси, десак, айни ҳақиқатдир.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУҲБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Буларнинг барчаси, Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, Конституцияимиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келади, дунё ҳамжамиятида «Ўзбек модели» деб ном қозongan, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини тасдиқлаб бермоқда. Ўзбекистон Республика-

си Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган барча масалалар, хусусан, қонунлар ҳам айнан Конституцияимизга, унда курсатиб берилган мақсад-муддаларга эришиш йўлида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнларининг мантиқий давомидир. Парламент юқори палатаси ялпи мажлиси муҳокамаларида қатнашган сенаторлар ҳам буни алоҳида қайд этишди.

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

8,2

баробар ошди.

Бу юртимизда замонавий демократик жамият қарор топиб, изчил ривожланаётгани, иқтисодийётимизнинг барча тармоқлари барқарор суръатлар билан тараққий этаётгани, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб бораётганининг амалий тасдиғидир.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этилганидек, киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ бўлган гоёт муҳим вазифаларни ҳал қилишдаги ролини янада кучайтиришни, аҳолининг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш,

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг талаб-ғарзлари риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширишни назарда тутди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг сенаторлар Ўзбе-

кистон Республикаси Ташки сиёсий фаолияти концепциясининг асосий принциплари ва қондаларини ифода-далайдиган, Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2013 йил 14 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Шартнома Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи вақтида 2013 йил 14 июнь куни икки давлат бошлиқлари томонидан имзоланган.

Парламент юқори палатаси аъзолари «Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2013 йил 9 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Муҳокама вақтида таъкидланганидек, Хитой Халқ Республикасининг Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республи-

касига расмий ташрифи вақтида 2013 йил 9 сентябрда Тошкент шаҳрида икки давлат бошлиқлари томонидан имзоланган мақдур Шартнома Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дўстона алоқалар, стратегик ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган, сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-инвестициявий, транспорт, энергетика, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини, уларни рўёбга чиқариш механизмларини белгилаб беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо худуди тўғрисидаги Шартномани унинг Томонлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида қўллаш ҳақидаги Баённомани (Минск, 2013 йил 31 май) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига

тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 16 та масала, шу жумладан, 9 та Қонун кўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонлиқни янада оширишнинг қудратли омилга айланади.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш вақтида сенаторлар мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг, инсонпарварлик ғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун замон талабига кўра янги қонунлар қабул қилинишининг, жамият ва давлат манфаатларининг мувозанатини, фаол ижтимоий шериклиги таъминлашнинг, молиявий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ тизимларининг асосларини мустаҳкамлашнинг алоҳида аҳамиятга эгалигини яқдиллик билан таъкидладилар.

Сенаторлар томонидан маъқулланган қонунлар ва қабул қилинган қарорлар давлат раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма бир йиллигида бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз ишини تامомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Раҳимжон Обидович **Обидов** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — харбий ҳайъат раиси этиб сайлансин.

2. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

Ботирали Муродович **Диёров**
Тальятжон Бахтиёрович **Мелибоев**
Азизахон Нумановна **Нажмутдинова**
Қахрамон **Улжаев**.

3. Қуйидагилар бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин:

Муроджон Кодирович **Мирзажонов**
Икрам Тухтамуратович **Муслимов**
Турабек Турсунбекович **Рахманов**
Арислан Усманович **Усманов**.

4. Темура Тельманович **Рахматов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 13 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бахтиёр Ҳасанович **Абдусаматов** Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 13 декабрь

Тараққиёт ва фаровонлигимизнинг муҳим кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Абдумавлон МАХМУДОВ, Сардоба туманидаги “Барак” фермер ўрталыги раҳбари:

— Сенат ялпи мажлисида мамлакатимизни демократик янгиланишнинг навбатдаги босқичида ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор масалалар кўриб чиқилди. Уларни муҳокама қилишда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигида бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар нукта назаридан ёндашдик. Зеро, мазкур маърузада нафақат мустақиллик йилларида эришган ютуқ ва натижаларимиз таҳлил қилинди, айни чоғда жадвал ва шиддат билан ўзгараётган бугунги кун талаблари асосида халқ вакиллари — депутатлар ва сенаторлар олдида турган вазифалар белгилаб берилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ҳамда модернизация жараёнларининг қонуний ва мангитий давоми бўлди. Муҳими, ўтган давр мобайнида бу йўналишларнинг ҳар бири бўйича анча ишлар бажарилиди ва бажарилмоқда. Буни Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси-

да маъқулланган қонунлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Фармон ТОШЕВ, Сенатнинг Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:

— Президентимиз раҳномалигида мустақиллик йилларида юртимизда эзгу ва хайрли ишлар кенг қўлчол ёзди. Хусусан, аждодлардан мерос қадриятлар асосида хато қилгани кечирishi, йўқилгани суяш, тўри йўл кўрсатиш, қайтадан жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун имконият бериш давлатимизнинг одилона сиёсатининг яққол тасдиғидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарори ана шу сиёсатнинг амалий ифодаси бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан буён амнистия ҳужжати мунтазам эълон қилиб келинади. Ушбу ҳужжатлар халқаро ҳуқуқ нормалари, Конституциямиз ва барча қонунларимизда назарда тутилган инсонпарварлик тамойилларига изчил амал қилинишининг ёрқин далолатидир. Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарори асосида жазодан озод қилинган шахслар тўлиқ ҳисобга олиншини таъминлаш ва уларни ишга жойлаштириш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларида жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур хол-

ларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш вазифалари ҳам сенаторлар томонидан кенг муҳокама қилинди. Мазкур ҳужжатнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, унинг ижроси билан шугулланганидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан жиддий масъулият талаб этилади.

Гулчехра САТТОРОВА, Навоий вилояти Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактаби директори:

— Ялпи мажлисининг яна бир муҳим жиҳати шунда бўлдики, биз Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган 2014 йил — Соғлом бола йилида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг бош мезони — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини, келгуси йил учун асосий солиқ сиёсатларини кўриб чиқдик. Ушбу ҳужжатларни атрофчила ўрганиб, ҳамжазбларимиз билан муҳокама қилар эканмиз, уларнинг бари ижтимоий йўналтирилганлиги билан алоҳида чуқур моҳият касб этаётганини ҳис қилдик. Зеро, уларда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган. Ушбу масалалар муҳокамасига, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган

тантанали маросимдаги маърузасида қайд этилганидек, худудларнинг мамлакат олий қонун чиқарувчи органидаги вакили сифатида катта масъулият билан ёндашдик.

Шу ўринда бир мисолни келтирмоқчиман. Бугун Навоий вилоятида рўйхатга олинган жами кичик бизнес субъектлари 6816 тани ташкил этади. Биргина оилавий тадбиркорлик корхоналари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 72,8 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган. Қизғин муҳокама қилинган “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунда мазкур соҳа вакиллари учун ҳам қатор қулайликлар кўзда тутилган.

Шоҳида АРИПОВА, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати директори:

— Президентимиз Конституциянинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида нодавлат нотижорат ташкилотлари бугунги кунда демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаолиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилга айланганлигини алоҳида эътироф этди.

Қобил ХИДИРОВ
эзиб олди.

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОМУСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда Конституция жамият ва давлат янги даврга ўтишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган ҳужжат бўлибгина қолмай, айни чоғда у халқнинг улкан ютуғи, суверенитетининг асосий рамзаларидан бири, микёсли саъй-ҳаракатлар натижаси, аждодларимизнинг орзу-умиди ифода-сидир. Бугун фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз мамлакатимизда нафақат аҳоли турмуш тарзини, балки дунёқарашини, тафаккурини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини тубдан ўзгаришга ҳамда мустақиллигимиз ҳуқуқий асосларининг бош рамзаларидан бири бўлган мазкур ҳужжатга юксак ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлаётганини кимшига қувонч бағишлайди.

Албатта, улкан ютуқ ва муваффақиятлар ўз-ўзиндан қўлга киритилгани йўқ, балки мураккаб, машаққатли ва фидокорона меҳнат натижасидир. Уларга республикамиз раҳбари томонидан чуқур ўйлаб ишлаб чиқилган ҳамда дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” деб ном олган стратегия асос бўлмоқда. Унда кўзда тутилган “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун” тамойили мамлакатимиз ўз олдига қўйган мақсадларга эришишда асосий омил бўлаётди. Давлатимизда демократик қадриятлар устуворлигини намойиш этадиган айнан мана шу ғоя шарофати билан биз барқарор иқтисодий ўсишга ва юксак макроеқтисодий кўрсаткичларга эришишда ва пировардида юртимизнинг экспорт салоҳияти ошди, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, фаровонлиги янада яхшиланди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузаси, мамлакатимиз тараққиётининг яқин истикболдаги ривожланиш йўналишлари ҳақида мушоҳада юритарканмиз, Президентимизнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш

бўйича кўрсатаётган эътибор ҳамда ғамхўрликларини алоҳида қайд этиш лозим.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қайд этилганидек, ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокига эришиб бўлмайди.

Барчамизга маълумки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислохотлар рўёбга чиқарилди.

1300 дан ортиқ ОАВ фаолият юритмоқда. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларида. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият юритмоқда, шунингдек, босма материал ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда. Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари тантанали маросимдаги маърузасида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, ОАВ фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлиги ва бошқаларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммолар масалаларга эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Шу ўринда мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини янада кучайтиришга қаратилган изчил ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлаш лозим. Президентимизнинг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида”ги Фармойиши бунга яққол мисолдир. Унга мувофиқ, давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат

ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаол ёритиб келаётган ушбу ҳуқуқий тажриба, ишончимиз комилки, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлат ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Президентимиз Ислам Каримов тантанали маросимда оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва эркинлиги хусусида сўз юритар экан, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интелектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари муҳокамасини тезлаштириш ва қабул қилиш зарурлигини қайд этди. Концепцияда таъкидланганидек, бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш, миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга

қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

Маърузада бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўётгани қайд этилди. Президентимиз ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида қилиб келаётган янги — 2014 йилни мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилишни тақлим этди.

Мустақиллиқнинг илк йилларидан мамлакатимизда маънан ва жисмонан соғлом авлодни шакллантириш, улар томонидан замонавий билим ва техника ютуқларини муваффақиятли ўзлаштиришлари учун барча шарт-шароит яратилди.

Газетамизда хабар берилганидек, дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби катэгория қирадиган “Инссэд” халқаро бизнес мактабининг “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузасига кўра, инновацион тараққиёт даражаси таҳлил қилинган 141 мамлакат орасида бизнинг мамлакатимиз инсон капиталини ривожлантириш бўйича 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизими сифат даражаси бўйича эса Ўзбекистон иккинчи ўринни банд этган.

Бу беҳиз эмас. Зотан, мустақил Ўзбекистон болалари янгидан қурилган ёки капитал таъмирланган ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мактабларда, академик лицей, касб-хунаро коллежлари ва олий ўқув юрталари таҳсил олишмоқда. Етуқ халқаро ташкилотлар оқспертларининг фикрича, бундай шарт-шароитларни ривожланган мамлакатлар таълим муассасаларида ҳам учратиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Болалар мусиқа ва

санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ижроси яқини тобора яқинлашмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ушбу билим муассасалари иқтидорли ёшлар учун яна бир вағбат, уларнинг баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим омилга айланмоқда. Ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш бу борадаги ишларнинг таркибий қисмига айланади. Мамлакатимизда ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини, замонавий дунёқараши, миллий ва умуминсоний қадриятларни англаб етиш, ўзи юрти учун фойда келтиришга интилишни мустаҳкамлашга йўналтирилган қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.

Энг муҳими, бугун ёшларимиз таълим жараёнида нафақат назарий билимларга эга бўлмоқда, балки зарур касб-хунароларни эгалламоқда, спорт билан шугулланмоқда. Давлат таълим муассасалари битирувчиларига эгаллаган билим ва касб-хунаро кўникмаларини ҳаётда қўллаши учун кенг имкониятлар яратиб ва ёрдам кўрсатишни ҳам ўз зиммасига олди. Бу вазифа мамлакатимиз раҳбарининг назоратида, жамиятимиз ва маҳаллий ҳокимиятнинг эътиборида турибди. Хусусан, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида касб-хунаро коллежлари битирувчиларини эгаллаган му-тахассисларни бўйича иш жойлари билан таъминлашга алоҳида урғу берилган. 500 миң нафардан ортиқ ёш йигит-қизларни иш билан таъминлаш дастурининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу уларга ўз иходий ва илмий салоҳиятини рўёбга чиқариш, кўникмаларини амалга оширишга, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишлари учун зарур шарт-шароит яратилганини кўрсатади. Бу юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида йўлга қўйилганлигининг яна бир яққол тасдиғидир.

Ў. РАҲМАТОВ.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Келгуси йилнинг январь ойи ўрталарида АҚШнинг "General Motors" автомобилсозлик корпорациясининг амалдаги раҳбари Дэн Акерсон ўз лавозимини тарк этади.

Компания

бошқарувида ўзгариш

Бу ҳақда компания маълумотларига таяниб "USA Today" наشري хабар тарқатди. Унинг ўрнини эса "GM" тарихида биринчи марта аёл киши — Мэри Барра эгаллайди. Мэри ушбу компанияда 33 йилдан буён ишлаб келади. Шу ўтган вақт давомида у оддий ходимдан то вице-президент даражасигача кўтарилган.

Таъминотга таъсир қилди

Европанинг бир қатор мамлакатларида табиат билан боғлиқ мураккаб вазият қузатилмоқда.



Испаниянинг Канар оролларида эса фавкулдада кучли ёмғир ёғиб, бир қатор дам олиш масканлари ва йўлларни сув босди. Бу ерда ҳам электр таъминотида узилишлар рўй берди. Маҳаллий ҳукумат фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида таълим муассасалари, савдо мажмуалари ва маъмурий идоралар фаолиятини вақтинча тўхтатди.

«Европа»да булоқ бор


"Хабл" телескопи Юпитернинг йўлдоши — "Европа"да буг оқими мавжудлигини аниқлашга муваффақ бўлди.

Астрономларнинг сўзларига қараганда, у йўлдош юзасидан сизиб чиққан сувдан оқиб бўлган. Бу тахмин "Европа"да вақти-вақти билан ҳосил бўладиган иссиқ булоқлар борлигини аниқлатади.

Олимлар эндиликда "Хабл" телескопи ёрдамида бугунги кимёвий таркибини аниқлаш устида изланишларни давом эттиришмоқда.

Ҳадидан ошган жониворлар

Жанубий Африка Республикасининг Кейптаун шаҳри аҳолиси ўғри маймунлардан азият чекмоқда.



Жойларни остин-устун қилиб, егуликларни ўмариб кетаяпти. ЖАР қонунларига кўра, маймунларга жиддий зарар етказадиган ҳаракатларни амалга ошириш мумкин эмас. Улардан фақат калтак ёки кўздан ёш оқизувчи газ билан ҳимояланиш мумкин. Шу боис маҳаллий аҳоли маймунларнинг "эркаликлари"ни кузатишдан нарига ўта олмаяптилар.

Қимматбаҳо совға

Машҳур баскетболчи Майкл Жорданнинг кроссовкаси қимматли савдосида 104 минг АҚШ долларига сотилди.

Спортчи бу оёқ кийими билан 1997 йили Миллий баскетбол лигасида бешинчи бор чемпионликни нишонлаган эди.

Маълум бўлишича, ўшанда "Чикаго" клуби аъзоси ҳисобланган Жордан учрашув тугаши билан ўз оёқ кийимини майдон четидан тўп олиб бериб турган бола — Престон Трумэнга совға қилган.

Қизиқ жиҳати, Престонга олдин ҳам кроссовкани сотишни таклиф қилишган. Аммо ўшанда у бу совғани 11 минг АҚШ долларига бермаган эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосан тайёрланди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Европа Коммуникациялар мактаби профессори Х. Буйс Бельгияда фуқаролик институтларининг қарор топиши учун асрлар лозим бўлганини таъкидлаб, бугун улар сиёсий ва иқтисодий йўналишлар билан бирга, ижтимоий соҳани тўлдирган "учинчи жаҳд" эканлигини айтди. Унинг фикрича, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши икки мамлакат нодавлат бирлашмаларининг ривожланишига кўмаклашиши мумкин.

Европа Иттифоқи Комиссиясининг Ташқи ҳамкорлик хизмати вакили Н. Бульте Ўзбекистонда республика раҳбарияти томонидан ўз аҳамиятига кўра ноёб бўлган муҳим ҳужжат — Мамлакатда демократик ислохот-

Ўзбекистон тажрибаси Брюсселда муҳокама қилинди

ларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилганига эътибор қаратди. "Унда мамлакатнинг бундан кейинги тараққиёти мақсад-вазифалари ва бошқичлари аниқ-равшан белгилаб берилган", деди у.

Брюссель эркин университети профессори, Глобал бошқарув институтининг тинчлик ва хавфсизлик дастури директори Х. Юргенлем ўз маърузасида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизлигини таъминлашда турнадиган муҳим ўрнига тўхтади. Эксперт қайд этганидек, Ўзбе-

кстонда аҳоли фаровонлиги юксалмоқда, ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши эса сўнгги йилларда 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётир. Унинг фикрича, Ўзбекистондаги ноҳукумат ташкилотлар бундан буён ҳам ижтимоий ҳаётнинг янги мазмун билан бойишига кўмаклашади.

Везалий коллежи деканининг ўринбосари Д. Теркович ўтказилган тадбир даражасига юқори баҳо берди. У одамларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигига асосланган фуқаролик жамияти демократия қурилишининг энг муҳим жиҳати эканлигини таъкидлади.

— Ўзбекистондаги маҳалла ин-

делегацияси Европа парламенти, Европа Комиссияси, Бельгия Сенати, Ташқи ишлар ҳамда Меҳнат вазириликлари, Антверпен университети ҳузурдаги Ривожланиш ва бошқарув сиёсати институти, "Европа геосийосий форуми", "Демократия учун Европа шериклиги" марказлари ҳамда бошқа қатор жамоат ташкилотларининг вакиллари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Амалий таширф доирасида ташкил этилган тадбир ва икки томонлама учрашувларда фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш масалалари орасидан фикр алмашувлар бўлиб ўтгани баробарида, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга доир таклифлар ҳам муҳокама этилди.

«Жаҳон» АА.

ЭЪТИБОР, ИМКОНИАТ, ҚУЛАЙ МУҲИТ

мамлакатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида муҳим омили бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Корхонамиз полиэтилен идишларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган, — дейди пойтахтимиздаги "Fag Eko Plast" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жаҳонгир Султонов. — Биласизми, бунинг афзаллик жиҳатлари кўп. Аввало, чиқинди сифатида ташлаб юборилган, оддий қилиб айтганда, кераксиз бўлган маҳсулотдан янги сий тайёрланади. Бу билан эса атроф-муҳит мусоффолигига, экологиянинг яхшиланишига ҳисса қўшилади.

Айни пайтда жамиятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот — синтифон маҳаллий ва хорижий харидорларга пешмапеш етказиб берилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида уларга 944 миллион 779 минг сўмликдан зиёд 245 тонна маҳсулот сотилган бўлса, шундан 85 минг АҚШ долларлиги экспортга жўнатилди.

Бу ерда шу йилнинг ноябрь ойидан болалар кўрпаси ва аёл текиш ўзлаштирилган ҳам эътиборга лойик. Бунинг учун банкдан олинган кредит хисобидан Хитой давлатининг "Wuxi Tian Computer Qualiting Machine. Co. Ltd" фирмасидан

замонавий дастгоҳлар харид қилингани қўл келмоқда. Энг муҳими, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли ишчилар сони 63 нафарга етказилди.

Корхонада "Устоз — шогирд" мактаби ҳам яхши йўлга қўйилган. Бош ҳисобчи Муҳиддин Иброҳимовнинг айтишича, ишчиларнинг асосий қисми ёш йигит-қизлар бўлиб, уларнинг аксарияти Тошкент шаҳри ва вилоятидаги касб-хунар коллежларини битирган мутахассислардир.

Жанубий Кореянинг "WooShin TECH Ltd" компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ, шу кунларда корхонага яна бир замонавий технологик линияни келтириш режалаштирилмоқда. Демак, келгусида жамиятда ишчилар сони ҳам, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам янада ортади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор — қонун ҳимоясида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, ундаги муҳим жиҳатлардан бири — ҳўжалик йортувчи субъектларга санкцияларни қўллаш тартиби энгиллаштирилгани бўлди. Шу билан бирга, қонунлардаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барта-раф этиб бўлмайдиган зиддият ва но-аниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фойдасига талқин этилади.

Тадбир қатнашчилари товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейинги божхона назорати товарлар чиқишига рухсат қилинган пайтдан эътиборан уч йил, божхона тўловларини қўшиб ҳисоблаш эса товарлар чиқишига рухсат этилгандан кейин бир йил мобайнида амалга оширилиши ҳам тадбиркорлар учун айна мудида бўлганини таъкидлашди. Негаки, илгари Божхона кодексига муддат билан бож-

лик бундай метёр умуман назарда тутилмаган эди.

Шунингдек, божхона тўловлари қўшиб ҳисобланган тақдирда, юридик шахслар божхона органларига хабарнома юбориб, текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари суммаларини ва молиявий санкциялар суммаларини тўлашни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тенг улушларда амалга оширишга ҳақли экани белгиланди.

Анжуманда ушбу Қонун билан қўшимча ва ўзгариш киритилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Қизгин бахсларга бой тарзда ўтган тадбирда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

Зокир ХУДОЙШУКUROV, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёнғин хавфсизлиги

барқарор ишлаб чиқаришни таъминлашда катта аҳамиятга эга

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти изчил ўсиб бормоқда. Шубҳасиз, бундай натижаларга эришишда ишлаб чиқариш тармоқлари модернизация қилинаётгани, техник ҳамда технология жиҳатдан қайта жиҳозланаётгани муҳим омили бўлаётти.

Пировардида бозорларимиз зарур маҳсулотлар билан тўлдирилиб, нафақат уларга бўлган ички эҳтиёж тўлиқ қондириляпти, балки экспорт салоҳияти ҳам юксалаётти.

Мустақиллик шарофати билан бунёд этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фаолияти фирмимизга ёрқин мисол бўла олади. Айни пайтда мазкур корхона томонидан газ конденсати, юқори октанли бензин, "JET-1" русумли авиакеросин, "ЭКО" русум-

ли дизель ёнилғиси, мазут, сувольтрилган газ каби маҳсулотлар республикамиз халқ ҳўжалиги ҳамда истеъмолчиларга изчил етказиб берилаяпти. Ўз навбатида, бу юртимиз нефть мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шубҳасиз, бундай самардорликка эришишда заводда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва унинг қоидаларига қатъий риоя этиш доимий диққат-эътиборда эканлиги салмоқли роль

ўйнаётти. Қолаверса, тилсиз ёв хавфининг олдини олиш унинг оқибатларини барта-раф этишдан кўра ҳар томонлама фойдалидир.

Таъкидлаш лозимки, бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги "Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлгини ўтказиш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, мазкур ҳуқуқий ҳужжатга биноан, жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрга қадар юртимизда "Ёнғин хавфсизлиги ойлги" деб эълон қилинди ҳамда тегишли тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилаётти.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ҳам ушбу қарорни сўзсиз бажаришга алоҳида эътибор қаратила-

япти. Хусусан, ишчи-ҳодимлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича тарғибот-тушунтириш ишлари янада кенг олиб бориляётти. Завод миқёсида қатор номинациялар бўйича кўрик-танловлар уюштирилди. Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги ҳодимлари билан турли учрашувлар ва мулоқотлар ўтказилиб, уларда соҳа мутахассислари ёнғиннинг олдини олиш ҳақида атрофлича маълумотлар беришмоқда. Буларнинг барчаси ёнғин ҳўжаликларини халқ ҳўжалиги тармоқлари ва истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш, ишлаб чиқариш салмоғини ошириш, саноат тармоқлари барқарорлигини мустаҳкамлаш, шу асосда юрт равнақи, халқ турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Алиакбар РЎЗИЕВ, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи асосий ишлаб чиқариш цехи бошлиғи ўринбосари.

Қорхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:

дастрўмоллар, ёқа устидан тақиладиган ип газлама ёқачалар, ип газлама ёзги пайпоқлар, казарма шиппақлари (тапочки), шим камарлари, харбий хизматчилар учун трусуиклар, оқ рангли ип газлама чойшаблар, оқ рангли ёстиқ жилдлари.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Талабгорлардан танловда иштирок этиш учун тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

● Реклама ва эълонлар ●

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич очиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Ҳамза тумани СИБ томонидан 2013 йил 20 июндаги 1-382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мавлоно Риёзий кўчаси, 17-уйда жойлашган, қурилиши тугалланмаган бино.

Бошланғич баҳоси — 2 265 354 282 сўм.

2. Ҳамза тумани СИБ томонидан 2013 йил 6 сентябрдаги 1-3496/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қйрай тумани, «Янгиобод» ҚФЙ худудиде жойлашган 2 қаватли қандолатчилик цехи ва қоровулхона.

Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 14 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885. Аукцион ёғилиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-қаврат, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55.

Лицензия: RR-0052.

МЧЖ «KRANTAS» шартнома асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

БЕНЗОВОЗ «ISUZU», «КамАЗ» шассисида

АВТОЦИСТЕРНАЛАР-ВОДОВОЗ «ISUZU», «КамАЗ» шассисида

ВАХТА УЧУН АВТОБУС «КамАЗ» шассисида (6x6) 20-24 одамга

СУВ СЕПАДИГАН МАШИНА «ISUZU», «КамАЗ» шассисида

Буюртма асосида

КАФОЛАТ 1 ЙИЛ

(8-371) 262-63-45, т/ф 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. www.ttemz-kran.uz

ООО «CRANES & SPECIAL TRUCKS» ишлаб чиқаради ва сотади:

АВТОКРАНЛАР юк кўтариши 16 т., 25 т., 32 т., 50 т.

САМОСВАЛЛАР «HOWO SINCTRUCK» шассисида, юк кўтариши 20 т., 25 т.

КРАНМАНИПУЛЯТОРЛАР «ISUZU», «КамАЗ» шассисида, юк кўтқириши 2,6 т., 5,3 т.

Буюртма асосида

КАФОЛАТ 1 ЙИЛ

Телефонлар: (8-371) 262-63-45, тел./факс: 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. www.ttemz-kran.uz

Спорт

Таиландда Жануби-шарқий Осиё гандбол федерацияси томонидан ушбу спорт тури бўйича халқаро мусобақа ўтказилди.

Бош соврин гандболчиларимизда

Этиборли жиҳати, биринчи мартаба ташкил этилган мазкур турнирда Ўзбекистон эркаклар ва хотин-қизлар терма жамоалари бош совринни қўлга киритди.

Вьетнам ва Филиппинлик рақибларини мағлубиятга учратиб, ана шундай натижани қайд этишди.

Осиё чемпионатидаги муваффақият

Каратэ бўйича Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этилган катталар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари иккита олтин ҳамда кумуш медални қўлга киритишди.

Қўлдан 500 нафардан зиёд спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борган мазкур мусобақада ҳамюртларимиздан Садриддин Сайматов ва Барно Мирзаева ўз вази

тоифасида Осиё чемпиони бўлишди. Спортчиларимиздан Беҳзод Туйғунов ва Абдулазиз Отабоев қитъа чемпионатининг кумуш медаллари билан тақдирланди.

Навқирон дзюдочиларимиз голиблар сафида

Шу кунларда Хитойнинг Хайнань шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ва кадетлар ўртасида Осиё чемпионати давом этмоқда.

Қитъа биринчилигининг дастлабки кунини умидли спортчиларимиз иккита олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалини жамғаришга муваффақ бўлдилар. Хусусан, кадетлар ўртасида Камрон Нуриллаев ва Суҳроб Турсунов ўз вази

ларини мағлубиятга учратди. Муҳаммадкарим Хуррамов эса фақатгина финалда имкониятни бой бериб қўйди. Раҳим Субҳонов ва Ренат Назметдинов мусобақани кучли учликда якунлади.

Фозлиддин АБИЛОВ таёрлади.

ИСТЕЪДОД

Ботиний туйғуларни зоҳирда намоён этувчи воситалар кўп. Гоҳида хунармандчилик маҳсулотлари, назм ва наср, шунингдек, тасвирий санъат асарлари орқали ҳам инсон кечинмаларини ўқиш мумкин. Бежирим хунармандчилик маҳсулотларини кўрганимизда, устанинг маҳоратига қойил қолсак, яхши бадий асарни ўқиганда туйғуларимиз жўш ура бошлайди. Моҳирона ишланган тасвирий санъат асарига разм солганимизда эса ўша ижод намунасида кўз узоқлаш қоламиз...


Кўнгил кечинмалари ранглар жилосида

Ёш мусаввир Гулчехра Саидова чизган суратларни кўрган кишида ҳам шундай ҳолат пайдо бўлади. Боиси унинг асарлари борлиқнинг бетакор хилқати ҳисобланмиш аёлнинг назик қалбидаги туйғулар, кечинмалари тугёнида юзага чиққан гўзаллик намунаси.

Бугунги кунда тасвирий санъатнинг пейзаж, портрет, натюр-морт каби жанрларида сермаҳсул ижод қилиб келаётган мусаввир томонидан ишланган кўплаб асарлар санъат ихлосмандлари ва тажрибали рассомлар эътирофига сазовор бўлган.

— Бор иштиёқ, меҳнат ва муҳаббатини бериб ишланган асарда меҳр балқиб туради, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, рассом Эркабой Машарипов. — Истеъдодли ижодкор Гулчехра Саидованинг кўплаб асарларини кўздан кечирганимизда, ана шу меҳрни, тафтини илғаймиз. Унинг табиат манзаралари тасвирланган асарларида ўзига хослик, беғуборлик намоён бўлади. Портрет жанридаги асарларида эса истарали ўзбек

аёли тимсоллари тасвирланган. Бу суратлар кишига нимадир сўзлашга чоғлангандай, гўё. Асарнинг “жонли” чиқиши рассомнинг ажойиб маҳоратидан дарак беради.



Ижодкорнинг асарлари турли кўرғазма ва танловларда намоён бўлиб келинаётган. Унинг, айниқса, “Хоразм маликаси”, “Қизлар давраси”, “Бир пиёла чай”, “Кишлоқ аёли”, “Келинчак” каби композициялари кўпчиликлари ман-



зур бўлган. Кейинги йилларда ишланган “Чорвоқ манзараси”, “Ўзбекистон тоғлари”, “Тонг”, “Тошкент гуллари” ва “Чарос” каби асарлари юртимизнинг бетакор табиати, гўзал манзараларидан хикоя қилади.

— Юртимиз хушманзара гўшаларга бой, — дейди Г. Саидова. — Қараганда кўзни қамаштирувчи тоғлари, бол томар боғлари кишини зўр иштиёқ ила сурат солишга ундайди. Юртимиздаги, айниқса, кишлоқ жойлардаги ўзгаришлар, тараққиёт одимлари бошқа ижодкорлар қатори мени ҳам янада илҳомлантиради.

Мамлакатимизда навқирон авлод камолоти учун кўрсатилаётган юксак эътибор, алоҳида ғамхўрлик ёш истеъдод соҳибларини кашф этиш, ўз иқтидорини намоён қилишига имкон яратаяпти. Жумладан, бу ёш мусаввирнинг ижодини ҳам энди буй кўрсатаётган нихолга менгзаш мумкин. Шубҳасиз, у истикболда ўзига хос асарлар яратиб, ихлосмандлар қалбидан янада мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Илҳом Жўраев.

Ижодкор ёшлар тақдирланди

Кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Йилнинг энг фаол ёш журналисти — 2013” республика кўрик-танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ТАНЛОВ

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ишларнинг моҳиятини аҳолига, хусусан, ёшларга етказишда, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим ўрин тутаётганини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, мазкур соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш, меҳнатини рағбатлантириш, ёш журналист кадрлар тайёрлаш масаласига қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда.

Бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, ёш журналистларнинг билим ва маҳоратини оширишга қўмақлаштириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида, иккинчи йилдики, “Йилнинг энг фаол ёш журналисти” танлови ўтказиб келинаётири. Мазкур танловда 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор журналистлар, фотоижодкорлар иштирок этиши мумкин.

Бу йилги танловда телевидение, радио, матбуот, фото ва интернет нашрларида ишлаётган 30 ёшгача бўлган 200 нафардан ортиқ ёш журналист ва фотомуҳбирлар икки мингга яқин ижодий ишлари билан фаол қатнашди.

Танловга тақдим этилган ишлар муаллифнинг дунёқараши, мавзунинг долзарблиги, материални узатиш савияси, мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳияти ҳамда аҳамиятини очиб бериш каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда баҳоланди. Голиблар “Энг яхши мақола”, “Энг яхши фотосар”, “Энг яхши телекўрсатув”, “Энг яхши радиозашиштириш”, “Интернетдаги энг яхши мақола” ҳамда “Энг яхши фоторепортаж” каби номинациялар бўйича тақдирланди. Бу йилги танловнинг яна бир ўзига хослиги, унда “Ёшларга оид давлат сиёсатини ёритувчи энг яхши видеоролик” йўналишини киритилгани бўлди.

— Танловнинг “Энг яхши телекўрсатув” номинациясида биринчи ўринни қўлга киритганимдан беҳад бахтиёрман, — дейди “Volajon” телеканали масъул муҳаррири Кемала Одилова. — Кириб келаётган 2014 йил — Соғлом бола йилда болажонларимиз учун янада қизқаркли кўрсатувлар тайёрлашда давом этамиш.

“Йилнинг энг фаол ёш журналисти — 2013” танловининг голиб ва совриндорлари ташкилотлар томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Омонкул ФАЙЗОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

● Реклама ва эълонлар ●

Qishloq Qurilish Bank



Moody's Investors Service

халқаро рейтинг агентлиги

2013 йилнинг декабрь ойида

банкнинг миллий валютадаги депозитларининг узоқ муддатли рейтингини

B2 даражадан B1 даражага кўтарди.

Шунингдек, хорижий валютадаги банк депозитларининг узоқ муддатли рейтингини **B2**, молиявий барқарорлик кўрсаткичини **E+** даражада қайта тасдиқлади.

Барча рейтинглар прогнози: «БАРҚАРОР»

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 150-39-93, 150-93-39. www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Республика аҳолиси диққатига!

Сиз ўз маблағингизни тежашни истайсизми?

ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ

«ISUZU» ва «КамАЗ» русумли автотранспорт воситаларини сиқилган ва суолтирилган газда ишлашга ўтказиш таклифини беради.



Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар қўргони.

Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 549-15-15, (+99898) 121-18-07.

«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси

қурилиш ишлари учун зич оҳақтошли тоғ жинсларидан 20 мм.дан 40 мм.гача фракцияда бўлган, ўзида ишлаб чиқарилган **ШАҒАЛНИ** таклиф этади.

Баҳоси 1 м³. учун ҚҚС билан 45 275,96 сўм.

Ҳар ойда етказиб бериладиган ҳажми 50 000 м³. ва ундан ортиқ.

Техник шартлар: ГОСТ 8267-93.

Алоқа учун телефонлар: (8-436) 227-76-33, 227-73-81, факс: (8-436) 227-75-73.

Маҳсулот сертификатланган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳфаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.40 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусахҳах — С. Исломов.